



ТОШКЕНТ

ОҚШОММИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 42 (10.095)

2004 ЙИЛ 2 МАРТ

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА Сатрларда

● **БУГУН** «Регистон» ресторанида «Сен ёлғиз эмассан, азизим» деб номланган ногирон болалар бадий ижодиёти кўргазма-танлови ва катта хайрия тадбири уюштирилди. Унда Чилонзор, Бектемир, Юнусobod туманларидаги «Ногирон болалар реабилитация ва интеграция клуби» ҳамда 22, 23-мехрибонлик уйларининг 120 нафар тарбияланувчилари ўз ижод намуналари билан кўрсатди.

● **«ЭКОСАН»** халқаро жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими томонидан Миробод туманидаги «Темирйўлчилар» маҳалласида «ЭКОСАН — меҳмурувват йўлида» мақсадли дастури доирасида хайрия тadbiri ўтказилди. Унда маҳаллада яшовчи кам таъминланган 80 ёшдан ошган қарияларга ўрин-кўрпа анжомларидан иборат бўлган умумий қиймати 455 минг сўмлик мурувват ёрдами кўрсатилди.

● **РЕСПУБЛИКА** «Оила» илмий-амалий марказида «Меҳр оиладан бошланади» мавзусида уюштирилган анжуман Меҳр ва мурувват йилига бағишланди.

● **БУГУН** Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетиде «Маънавият кўни» ўтказилди.

● **СОБИР** Рахимов туманидаги «Гузарбоши» маҳалласи гузариде тумандаги маҳаллалар оқсоқоллари иштирокида маҳаллаларда тadbirkorлик, кичик бизнес ва хусусий тadbirkorликнинг ривожланиши, аҳолини иш билан таъминлашда оқсоқолларнинг роли масаласига бағишлаб тadbir уюштирилди.

● **ТОШКЕНТ** ахборот-технологиялари университети қошидаги академик лицейда ўрта махсус касб-хунар таълими муассасаларининг маънавият ва маърифат бўйича раҳбар ўринбосарлари учун ташкил этилган семинарда Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, Тошкент шаҳар ИИББ, шаҳар прокуратураси ходимлари иштирок этди.

● **Тошкент шаҳар хокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларининг хабарларидан.**

Ёшлар — келажагимиз

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши ҳисобот-сайлов конференциясидан



КОМИЛЛИК ЙЎЛИДА

Ёш авлодни ҳар томонлама етук инсон қилиб тарбиялаш борасида давлатимиз томонидан амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ҳаётда ўз ифодасини топмоқда. Дарҳақиқат, бугунги кунда ёшларимизнинг ўқиши, интилиши ва қизиқиши, мазмунли дам олиши учун барча шарт-шароитлар етарли.

Шундан келиб чиққан ҳолда ёшларимиз ҳаёти қандай кечмоқда, уларни нималар ташвишга солади, манфаатлари, истак-хоҳишлари, кадрият борасидаги ва ахлоқий дунёқарашлари нималардан иборат, жамиятимизда рўй бераётган чуқур ислохотлар жараёни шароитида улар қандай ижтимоий ўзгаришларни кутмоқда? — қабилидаги долзарб саволлар турли доираларда муҳокама этилаётгани ҳам бежиз эмас. Зеро ёшлар келажаги буюк давлатнинг пойдевори эканлиги барчамизга яхши маълум. Шу билан бирга айтиб ўтиш жоизки, кўпчилик ўғил-қизларимиз номидан ююрида келтирилган саволларнинг барига айна пайтгача моҳияти жиҳатидан ягона бўлиб қолаётган ташкилот Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан ташкил топган ва «Ёшларнинг чинакам суянчи ва таянчи» ҳамда «Давлат ва ўсиб келаётган авлод ўртасида» ўзига хос кўприк вазифасини бажариш

ришдек пировард мақсадларни ўз олдига қўйган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати аниқ жавоб беришга қодирдир.

Шу кунларда «Камолот» ЕИХ кўтаринки байрам кайфиятида ва шу билан бирга ўз ҳаётида энг масъулиятли дақиқаларни бошидан кечирмоқда. Мазкур ҳаракатнинг туман, шаҳар, вилоят Кенгашлари илк мартаба ўзининг юқори органи — конференцияга йиғилиб, ўтган вақт ичида амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиш билан бирга, шунингдек кенгашнинг янги таркибини сайлашга ҳозирлик кўрмоқдалар.

Эслаб ўтамиз, «Камолот»нинг жойлардаги тузилмалари ҳисобот-сайлов конференциялари икки ярим йилда ўтказилди. Республика даражасида «Камолот»нинг юқори органи беш йилда бир мартаба чақириладиган қурултой ҳисобланади.

Давоми 2-бетда.

СЕРТИФИКАТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Халқаро ҳамкорлик марказида Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги /JICA/ хузурида ташкил этилган ўзбек-япон маркази бизнес курсининг навбатдаги битирувчиларига сертификат топшириш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, ташки иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Э.Ғаниев, Япониянинг мамлакатимиздаги фавкулда ва мухтор элчиси Акио Кавато тadbirда сўзга чиқиб, Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик, ўзаро дўстлик, маданий ҳамда маънавий-маърифий алоқалар тобора ривожланиб бораётганини таъкидлади. Ўзбек-япон маркази бизнес курсининг ташкил этилиши ва фаол иш олиб бораётгани ҳам ана шундай самарали ҳамкорлик натижаларидандир.

Мазкур курсда мамлакатимизда бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиб борилаётган ҳозирги шароитда тadbirkorлик оламига кириб келаётган ёш ишбилармонларга жаҳон иқтисодиёти меъёрига мос фаолият юритиш, аниқса, менежмент ва маркетингни ташкил этиш бўйича машғулотлар ўтилади.

ЎзА

XXI саҳоси

Барча мавбалардан олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

● Тошкентда тегишли вазирлик, идора, жамоат ва халқаро ташкилотлар вакиллари, олимлар, мутахассислар иштирокида Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ўтган йилдаги фаолияти яқунлари ва галдаги вазифаларга бағишланган кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши ўтказилди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилаётган «Ташаббус-2004» кўриктанловининг Қорақалпоғистон Республикаси ва Навоий вилоят босқичлари ниҳоясига етди.

● Навоий вилоятида Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойна» ижодий уюшмасининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Унда уюшманиннг ўтган йилги фаолияти ҳамда «Меҳр ва мурувват йили» дастурида белгиланган вазифалар ижроси хусусида сўз борди.

● Наманган вилоятида «Меҳр ва мурувват йили» дастури бўйича ижтимоий мақсадларга мўлжалланган иккита йирик объект — «Пахтасаноатсотиш» акционерлик жамиятининг қурилиши ниҳоясига етказилмаган санаторий-профилакторийси негизиде вилоят меҳрибонлиги уйи янги биноларининг қурилиши бошланди.

● Бухоро вилояти марказидаги «Хумо» спорт мажмуида Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Беларусининг уч юздан зиёд вакиллари иштирокида сузис бўйича «Карвон» халқаро турнири бўлиб ўтди.

Жаҳонда

● Грузия Президенти Михаил Саакашвили БМТ Хафсизлик Кенгаши аъзолари олдидеги чиқишида Грузия Абхазияга энг юқори имкон даражасидаги мухториятни беришга тайёрлигини билдирди.

● Саудия Арабистони маъмулари сайёҳлик визаларини бериб, ўз иқтисодиётларида хоржий туризм соҳасини ривожлантириш тўғрисида қарор қабул қилди.


● Кимёвий қурулган таркатмаслик бўйича халқаро ташкилот вакиллариининг сўзларига кўра, Ливия кимёвий ҳужумни амалга оширишда фойдаланилиши мумкин бўлган 3300 та бомбани йўқотишга киришади.

● АҚШ ҳукумати рак касаллигини даволашга мўлжалланган авастин номли препаратни маъқуллади. Ушбу дори охири босқичдаги йўғон ичак ракига чалинган кишилар умрини узайтиришга мўлжалланган.

● Катарда икки нафар Россия махсус хизмати ходими Зелимхон Яндарбиев ўлимида айбланган ҳолда ҳибсага олинди.



Давоми. Боши 1-бетда.



Бундай тадбирларнинг нуфузини инобатга олган ҳолда «Камолот»нинг пойтахт Кенгаши томонидан ўз конференциясига нечоғлик пухта тайёргарлик кўрганни тушуниш мумкин. 28 февраль куни камолотчилар ҳаётида ҳақиқий байрам бўлди десак муболага бўлмайди. Харакатнинг шаҳар Кенгаши ҳисоб-сайлов конференцияси Тошкент Давлат транспорт муҳандислари институтининг ҳашаматли маданият саройида ўтказилган бўлса-да, аслида байрам шукӯҳи ўқув юртли, меҳнат жамоалари, турар жойларда — харакатнинг бошланғич ташкилотлари асос солинган ҳар бир жойда ҳукм сурди.

Харакат шаҳар бўлимининг дастлабки йили — шаклланиш ва ривожланиш давридаги фаолияти асосан ташкилий жараён билан таърифланади. Қисқа вақт — атиги етти ой ичида харакатнинг муҳим масалаларидан бири бўлиши жойларда бошланғич ташкилотларни тузиш ишлари жадал олиб борилади. Ўқув юртли, корхона ва ташкилотлар, маҳалларда фаолият юритаётган 627та бошланғич ташкилотдан 599 таси 2001 йилда тузилган бўлса, айни пайтда «Камолот» сафига 14-28 ёшдаги ўғил-қизларнинг 80 фоиздан зиёди аъзо бўлиб кирган.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, бошланғич ташкилотларнинг 71 фоизи ўз фаолиятини жамоатчилик асосида эмас, балки уларнинг сардор ва фаоллари харакатнинг туман тузилмалари томонидан молиявий қўллаб-қувватланган ҳолда иш олиб бориши йўлга қўйилган.

Хисобот даврида «Камолот»нинг шаҳар кенгаши 20 дан кўпроқ йўналишдан иборат асосий фаолиятини қониқарли даражада олиб боришга муваффақ бўлди. Шу ўринда биринчи навбатда ёшлар манфаатини ҳимоя қилиш, уларга турли масалаларда қўмақлашиш, хусусан уларнинг иш билан банд бўлиши, молиявий-моддий маблағ билан таъминланишига алоҳида эътибор қаратилди. Чунончи, ўтган вақт давомида Меҳнат ва аҳолини иқтисомий муҳофазаси бўш бошқармаси билан ҳамкорликда сажиз мўнғдан зиёд олий ва ўрта махсус ўқув юртли битирувчиларини ишга жойлаштиришга эришилди. Бу борада энг муқобил усуллардан бири — бўш иш ўринлари ярмаркаларининг ўтказилганлиги ҳам анча самарали кечди. Ушбу йўналишдаги тадбирларда нафақат ёшлар, балки катта ёшдаги фуқароларнинг ҳам имкониятига яраша иш топishi, шунингдек янги касбга ўрганиши ва малакасини оширишга шароит яратилди.

Тахлилларга қараганда, харакат сафига аъзо бўлган ёшларнинг катта қисми «Камолот»га энг оғир дамларда ва қийин вазиятларда ишончли дўст сифатида ўзини намойиш эта олгани, хусусан, ўқишдан четлатилгани боис умидсизликка тушиб қолган талабаларга биринчилардан бўлиб ёрдам қилини чўзгани эвазига кирган дейиш мумкин. Жумладан, ўтган урта ўқув йили давомида «Камолот» 921 нафар олий ва ўрта махсус ўқув юртли талабаларининг ўқишда тикланишига қадрилик қилди ва айни пайтда бу ёшлар харакатининг фаол аъзоларига айланган. Бундан ташқари, 324 нафар ўқувчига банклар орқали кредитлар ажратилиши ҳамда корхона ва ташкилотларнинг ҳомийлиги остида молиявий ёрдам кўрсатилишида қўмақлашилди.

«Камолот» ҳар доим ва ҳар ерда ёшларнинг таянчи ва суяничи бўлиши шарт» деган шioriга содиқ бўлган ҳолда ўз фаолиятида меҳрибонлик уйлари, мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, кўп болали ва кам таъминланган оилалар фарзандларига доимий равишда ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга йўналтирилган меҳр-шафқат акцияларига алоҳида урғу бериб боради. Бу борадаги ишлар шунчаки молиявий ва моддий ёрдам билан қийинлашиб қолмасдан, балки болалар соғлом бўлиб воғага етиши, уларнинг мазмуни дам олиши, ўқиши борасида ҳам қўллаб-қувватланади. Бундан қўзланаётган ягона эзгу мақсад — ҳар бир бола ўз тенгдошлари олдига ҳеч нарсасдан кам бўлмасдан ўсиб воғага етишига эришишидир.

Тарбияси оғир ўсмирлар ҳам харакатнинг назаридан четда қолмаган. «Камолот» томонидан ички ишлар идорасида рўйхатда турувчи ҳар бир воғага етмаганлар юзасидан маълумотлар банки тузилган. Камолотчилар фикрига қараганда, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг энг таъсирчан усулларидан бири тарбияси оғир болаларни бевосита харакат сардорлари ва фаоллари ишига жалб қилишга йўналтирилган. Жумладан, бу борада «Юр биз билан» лойиҳаси энг самарали деб топилган. Унинг асосий мақсади шаҳар Кенгаши аъзолари томонидан ҳисобда турган ўсмир ёшлар билан биргаликда турли тадбир-

лар ўтказишдан иборат. Ҳамкорликда олиб борилган бундай ишларнинг натижасида харакатнинг яна бир тузилмаси — «Камалак» мактаб ташкилотининг қафолати остида 2001-2003 йилларда 3300дан зиёд ўсмирларнинг ҳисобдан чиқарилишига имконият яратилди.

Дароқе, бугунги кунда ҳар бир 7-14 ёшдаги мактаб ўқувчиси ЕИХ болалар ташкилотининг аъзоси ҳисобланади. Айнан «Камалак» мактабда ўтказиладиган барча тадбирларнинг ташаббускори ва ташкилотчиси ҳамдир. Унинг фаолияти асосан ўқувчиларнинг маънавий-маърифий, jisмоний ва экологик тарбиясига йўналтирилган. Шу ўринда таъкидлаш мумкинки, «Камалак» бу борада фақат ўқув юрти доираси билан чегараланмайди. Болалар савҳат қўрғинидаги тадбирларда кўпроқ нарсадан воқиф бўлишга эришади. Кейинги вақт ичида пойтахтнинг музей, кўргазма заллари, дам олиш масканларига ташриф буюриш билан бир қаторда мактаб ўқувчилари Ўзбекистон Олий Мажлиси, Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлиб, қонун чиқарувчи ҳамда иқроғия органларининг тузилмалари билан яқиндан танишишга муваффақ бўлмоқда. Ҳарбий қисмлар фа-

ри фикрига қараганда, «Камолот» фаолиятининг асосий йўналишлари доирасида маълум даражада ишлар амалга оширилган ва ўзига яраша ютуқларга ҳам эришилган бўлсада, аммо ҳал этилмаган айрим муаммолар, йўл қўйилган баъзи хато ва камчиликлар мавжудлиги юқоридagi кўрсаткичларнинг қаноатлантиришига ҳали бироз эрталигидан далолат беради. Таъкидлаб ўтиш жоизки, «Камолот»ни ёшларга оид ҳар бир муаммага масъул деб ҳисоблаш мантқан нотўғри бўлар эди. Лекин шунга қарамастан, ЕИХ шаҳар бўлими раиси фикри билан айтганда, «Камолот» ўзини ҳар бир ёш фуқаро тақдирига масъул деб билади ва шундан келиб чиққан ҳолда хануз, масалан, институтда ўқишни ёки спорт билан шуғулланишни истган, аммо моддий ёки бошқа имконияти чекланган болалар борлигига, ёхуд бирор-бир воғага етмаган қайта ҳуқуқбузарлик содир этганига бефарқ эмас, балки жавобгар эканлигини тан олиши лозим деб тушунади. «Камолот»нинг икки ярим йиллик фаолияти таҳлили мобайнида конференцияда талабалар уйи — ётоқхоналар шароитларини яхшилаш, бу ердаги ёшларнинг ўқишдан бўш вақтини мазмуни ташкил этиш масалаларига етарли даражада аҳамият берилмаётгани таъкидланди, шунингдек аҳолини, хусусан ёшларни jisмоний тарбия ва спорт билан машғул қилиш бўйича дастурлар иқросияни таъминлашда муқобил услублар кўпроқ ва кенгроқ жорий этилиши лозимлиги устида мулоҳазалар билдирилди.

Конференция ишида қатнашган Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдурахмонов пойтахт ёшлари манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳар томонлама камол топишларига қўмақлашиш борасида «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар бўлими томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирди. Шунингдек, кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида амалга оширилган ишларнинг асосий босқичларига таъриф бериб, маъмур давлат дастурининг сифат босқичи татбиқ этилиши жараёнида академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари қурилиши ва қайта таъмирланиши давом эттирилиши билан бир қаторда қуни кеча қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши иқросияни таъминлаш борасида ҳам катта ҳақмдаги ишлар амалга оширилиши, шу жумладан мактабларнинг моддий-техник негизини яхшилаш ҳамда педагог кадрларнинг малакасини ошириш, уларнинг меҳнатини қўллаб-қувватлаш ҳам кўзда тутилганини таъкидлади. Тайёрланаётган мактаб талабали дастурида алоҳида эътибор умумтаълим ўқув юртли эришган замонавий компьютер техникаси билан таъминлаш, Интернет тизимига улашишга қаратилади.

Конференцияда «Камолот»нинг бу борадаги тажрибалари эътиборга лойиқлиги, шу боисдан ҳам уларни кенг тарғиб қилиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди, шу жумладан ёшларни, айниқса мактаб ўқувчиларини шаҳарни ободонлаштириш ва тозалаш ишларига кенг жалб этилишида эришилган ютуқлар эътироф этиб ўтилди.

Умуман олганда, кейинги пайтларда «Камолот»нинг болаларни доимо фаолиққа ундовчи тадбирлари мазмунан ва шакли жиҳатидан ранг-баранг бўлиб бораётганини кузатиш мумкин. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов таъсиясига биноан «Ижтимоий фикр» маркази томонидан олиб борилган сўров натижалари ҳам бунга ёрқин далил бўла олади. Сўровномада республикамизнинг олтига вилояти ва Тошкент шаҳри кесимида иштирок этган респондентларга берилган «Камолот» фаолияти тўғрисида биласизми?», «Камолот» фаолиятида шахсан иштирок этасизми?», «Ёшлар манфаатини ҳимоя қилишда «Камолот» ҳақиқий кўнга айлана олдимми?» деган саволлар бўйича энг юқори кўрсаткичлар — тегишли равишда 78,6; 67,4; 75,6 фоизга тенг овозлар «Камолот»нинг Тошкент шаҳар бўлими фаолиятига нисбатан билдирилган баҳолар десак адашмаймиз.

Сўровнома натижалари биринчи бор шаҳар конференциясига эълол қилинди ва бу ҳайсида маънода ЕИХ шаҳар Кенгаши янги таркибини ҳамда унинг раисини сайлашда аҳамиятга молик бўлди десак бўлади. Конференцияда камолотчиларнинг 230 мингдан зиёд аъзолари номидан иштирок этган делегатлар бир овоздан ЕИХ шаҳар Кенгаши раиси этиб яна бир бор Фуқрат Маҳмуджўраевни сайлашди. Ҳозирда, «Камолот»га ҳар доим юқори чўқуқларда бўлиши ва фақат олдинга қараб, қомиллик йўлида барча тўсиқларни енгиб ўтишини талаб қоламиз.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА
СУРАТЛАРДА: «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар Кенгаши ҳисобот-сайлов анжуманидан лавҳалар.
 Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.



олияти билан танишиш жараёни ҳам болаларда катта таассурот қолдирмоқда. Шу ўринда алоҳида айтиб ўтиш лозимки, бундай савҳатлар чоғида кўрган ва эшитганини ўқувчилар мустақил ишларида изоҳлаб бериши аънамага айлиниб қолган. Ишолар таҳлили болалар кўргазмали тадбирлар жараёнида фақатгина ўз билимини оширибгина қолмай, балки энг муҳими, катта ишонч ва умид боғланаётган жамиятнинг аъзолари сифатида уларнинг дунёқарашини ҳам ўзгариб бораётганини кўрсатди.

«Камалак» фаолиятига шунингдек, айни пайтда кенг қўл оч эътиб бораётган тадбир — турли байрамлар муносабати билан имкониятлари чекланган фарзандлари бўлган оилаларда театрлаштирилган кўчма савҳалар уюштириш ташаббуси ҳам тааллуқлидир.

Ўсмир ёшларни jisмоний тарбия ва спорт билан янада кенгроқ қамраб олиш мақсадида Болалар ташкилоти саъй-харақати туфайли кўпчилик учун қўлай деб топилган гимнастик машғулотлар дастури ишлаб чиқилган ва бугунги кунда ундан ҳар бир ўқувчининг дарс олдидан самарали фойдаланиши татбиқ этилмоқда.

Жисмоний тарбия ва спорт харақати кенг ривож топишида «Камолот» ва унинг жойлардаги тузилмалари томонидан олиб борилаётган ишлар қўлами фақат юқорида қайд этилган ишлар билан қийинлашмайди, албатта. Ҳатто вақт давомида бир қатор ташкилотлар билан биргаликда ЕИХ шаҳар бўлими мингдан зиёд турли спорт мусобақаларини уюштирди. Бундан ташқари, маҳалла ва мактаблар худудини спорт майдончаларини қуриш ва таъмирлаш ҳамда уларни керакли анжом ва ускуналар билан таъминлаш ишларига «Камолот» томонидан 51 миллион сўмга тенг маблағ сарфланди.

Харакат шунингдек, «Соғлом авлод йили», «Қарияларни қадрлаш йили», «Обод маҳалла йили» дастурлари асосида кўпчилик томонидан эътироф этилган юзлаб манзилли тадбирлар ташаббускорига айланди ва айни кунларда камолотчиларнинг Меҳр ва мурватвай йили муносабати билан белгиланган хайрия тадбирлари ҳам авж олмоқда.

Шу билан бирга, ҳисобот-сайлов анжуманида ўзини ўзи танқид йўналишида баҳолаб ўтган ЕИХ шаҳар Кенгаши сардо-

Маълум**ХАЛҚАРО ГРАНТ СОҲИБЛАРИ**

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг инглиз филологияси факультетида очилган бўлим инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлаш билан шуғулланмоқда. Замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланган бу бўлимда машгулотлар жадал, интерфаол усулда олиб борилаётган.

Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва университетнинг доимий эътиборида бўлган мазкур ўқув масканини Американинг Ўзбекистондаги элчихонаси, халқаро СОРОС жамғармаси, Тинчлик корпуси, Британия Кенгаши ўз оталигига олди. Бу хорижий ташкилотлар ҳомийлигида унинг ўқув-моддий негизи янада мустаҳкамланиб бормоқда.

Кейинги йилларда бўлим бир неча грантларни қўлга киритди. Бунинг эвазига ризограф, аудио ва видео магнитофонларга эга бўлинди. Компьютер синфлари очилди. Унинг битирувчиларидан 100 нафари яқин орада республикамиз олий ўқув юртида инглиз тили ўқитувчилари бўлиб ишлашга йўланма олишади.

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИК АСОСЛАРДА

Республика «Истеъдод» жамғармаси истеъдодли ёш педагог ва илмий кадрларни қўллаб-қувватлаш йўлида қатор хайрли ишларни амалга ошириб келмоқда. Бу ерда «Янги технологик асослар» дастури бўйича қўрилаган маърифий тадбирлар ҳам қўрилган натижаларни бермоқда.

Республикамизнинг университети, институт ва академик лицейлари вакилларида иборат катта бир гуруҳ ўқувчиларнинг Малайзияга сафари ҳам яхши бўлди. Уларнинг Малайзиядаги Мара университети педагоглари билан мулоқоти ўзaro тажриба алмашиш тадбирига айланди.

Ортирилган бу бой малака ўқитишнинг замонавий усуллари дарс жараёнларига татбиқ этилмоқда.


ТАЛАБАЛАРНИНГ СЕВИМЛИ МУРАББИЙЛАРИ

Маълумки, олий ўқув юртилари ўқитувчилари талаба ёшлар билан яқиндан мулоқотда бўлиб, кураторлик вазирасини ҳам адо этиб келишмоқда. Биринчи Тошкент Давлат тиббиёт институти кураторлар кенгаши томонидан амалга оширилаётган тадбирлар ҳам эътиборга сазовордир.

Бу соҳада фаоллик кўрсатиб, ҳамкасбларига намуна бўлаётган фидоийлар «Энг яхши куратор» танловида ғолиб деб топилди.

Тиббиётда маркетинг ва менежмент кафедраси ассистенти Дилрабо Юсупова, терапевтик стоматология кафедраси ассистенти Жасур Ризаев, микробиология кафедраси ассистенти Санобар Қурбонова ва бошқаларга олий ўқув юрти раҳбарияти томонидан қimmatбахо соғва ва сертификатлар топширилди.

Акбар АЛИЕВ



Ёшликда олинган билим — бамисоли тошга ўйилган нақшдир.
Ҳақимжон Солиҳов олган сурат.

Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Мумтоз миллий воғалар» деб номланган концерт бўлиб ўтди. Ушбу тадбир мазкур ўқув маскани томонидан Маданият ишлари вазирлиги билан биргаликда ташкил этилди ҳамда Меҳр ва мурувват йилига бағишланди.

2004 йил - Меҳр ва мурувват йили

САҲНАДА ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР

Концертда Юнус Ражабий номидаги ёш мақом ижрочилари олтинчи республика кўрик-танлови совриндорлари ва лауреатлари иштирок этишди. Бу танлов ўзбек миллий мусиқаси ёш ижрочиларини аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилди.

Концертда Ўзбекистон Давлат консерваторияси талабалари - «Нихол» мукофоти лауреати Гулзода Худойназарова, Жўрабой Ҳафизов, Фарҳод Қодиров, Мансур Воисов ва бошқалар ижросида миллий куй ва кўшиқлар янгради.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА

Саломатлик**ҚўПИ ЕНГИП ШИФОКОР**

Пиру бадавлат отахон-онахонларимиз ҳар гал фотиҳага қўл очганларида энг аввало тан-сиҳатлик, хотиржамлик тилайдилар. Ҳаётда тан-сиҳатликнинг нақадар катта аҳамиятга молик эканлиги шундан аён. Лекин ҳаёт ҳаёт-да. Бугун соғ юрган киши эртага дардга чалиниши мумкин. Ана шундай дамда инсонларга энг аввало ёрдам қўлини биринчи бўлиб шифокорлар чўзишади. Шунинг учун ҳам уларни нажот фаришталари деб аташади.

Бугунги мўъжазгина тарзда бадавлат қўли энгил жарроҳ, заҳматқаш, интибиб, изланувчан шифокор Абдувоҳид Ҳақимов ҳақидадир.


Мактабни олтин медаль билан тугатган Абдувоҳид болалиқдан орзу қилгани Тошкент Давлат тиббиёт институтига ҳужжатларини топширади. Ўз қизиқишию билимига суянган ҳолда институт толиби бўлади. Зеро, эзгулик ва меҳнат доимо одамни юксак чўққилар сари ундайди.

Институтни ҳам имтиёзли диплом билан тугатган Абдувоҳид Ҳақимов 1994-95 йилларда Темир йўл марказий шифохонасида жарроҳлик мутахассислиги бўйича фаолият кўрсатиб ўз билимини амалиёт билан бойитиши. Илмий адабиётларни тинмай мутулаа қилади. У 1995 йилдан буён Собир Раҳимов туманидаги ҳудудий тиббиёт бирлашмаси марказий шифохонасида беморлар дардига шифо бериб келмоқда. 2001 йилда «микрожарроҳлик ва пластик жарроҳлик курсини тугатиб, турли микрожарроҳлик пластик операцияларини моҳирона

тарзда бадавлат жарроҳлик амалиётларини ўзи мустақил бажара олади. Биргина 2003 йилда мингдан ошқик микрожарроҳлик операциялар қилган, жумладан шундан 100 га яқинини пластик операциялар ташкил этади.

Унга ўз мутахассислигини янада пухтароқ эгаллашида устози профессор Саид Аъзамхўжаев яқиндан кўмак бериб, ўзининг малакаси ва тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ёрдами ва маслаҳатини аямайди.

— Мен, ўз касбимни жуда ҳам ардоқлайман, агарда жарроҳликка нисбатан юрагингизда меҳр, қалбингизда иштиёқ бўлмаса ишлаб бўлмайди, — дейди Абдувоҳид Ҳақимов. — Меҳнатим билан халқимга озгина бўлса ҳам нафим тегса, ўзимни бахтиёр ҳисоблайман. Бизнинг касбимизда хато қилишга ҳаққимиз йўқ. Шу сабабдан тинимсиз изланишга, турли замонавий адабиётлар билан танишишга ҳаракат қиламан. Ҳали ол-



динда жуда кўп қиладиган ишларим бор, орзуларим ҳам йўқ эмас...

Абдувоҳиднинг ҳаётда ҳам, ишда ва оилада ҳам бирдек изланувчан ва талабчан эканлиги унинг юзу кўзларидан билиниб турарди. Ўз ишини амалга оширишда унга ҳамширалар Мавжуда Маҳмадалиева ва Нодира Жалилова доимо яқиндан ёрдам бериб келишмоқда.

Абдувоҳид Ҳақимов ёш бўлишига қарамай анча билимдон ва зукко, шунинг билан бирга доимо сергак шифокордир.

У турмуш ўртоғи Гўзалхон билан бирга 3 нафар фарзандларини меҳру муҳаббат билан воёга етказмоқдалар.

Биз қўли энгил, қўвнок, ёш бўлишига қарамай зукко ва билимдон шифокорга келгусидаги ишларига омадлар тилаб қоламиз.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА
СУРАТДА: биринчи тоифали жарроҳ Абдувоҳид Ҳақимов (ўртада) наватдаги операция жараёнида.

Қамолуддин Бехзод номидаги миллий расмлик ва дизайн институтида ёшлар маданият маркази очилди.

ИНСТИТУТДА ЁШЛАР МАРКАЗИ

— Марказда турли маънавий-маърифий йўналишдаги тадбирлардан ташқари, талабаларимизнинг ижодий кўргазмаларини ташкил этиш ниятида, — деди мазкур институт ректори Усмон Қўрабобоев «Туркистон-пресс» муҳбирига. — Ёшларимизнинг маънавий жиҳатдан янада камол топишига, ўз интилишлари, эзгу ният ва умидлари, қарашлари акс этган асарларини кўпчиликка ҳавола этадиган ижод маскани бўлиб қолади. Либослар дизайни факультетининг иқтидорли талабалари ташаббуси билан «Ёшлар модалар театри» ни ташкил этдик. Улар ҳозир икки қисмдан иборат модалар кўргазмасини яратиб беришмоқда. Унда талабаларимизнинг айнан ёшларга мўлжалланган либослари намоён этилади, — деб таъкидлади институт ректори. — Чунки ёшларнинг диди, талабини ёшларнинг ўзи яхши билади. Шуниси эътиборга моликки, бу либосларда миллий анъаналаримиз, шароит ва замон талаблари мужассамлашган бўлади.

Айтиш керакки, институтдаги тўртта факультетда бугунги кунда ўн икки йўналиш бўйича 800 дан ортиқ талабалар рассомчилик ва дизайн санъатининг сир-асрорларини кўнгил билан ўрганишяпти. Марказ деворларини безаб турган ҳар бир рангтаъбир асарларини кўздан кечирган киши, уларнинг композицион жиҳатдан пишқик, мазмунан бой ва жилвадор ранглар қанчалик моҳирона танланганига гувоҳ бўлади.

С.НАЗАРХЎЖАЕВА,
«Туркистон-пресс»

Буюк мутафаккири Алишер Навоийнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашларида адолатли давлат ғояси илгари сурилганлигини кўрамиз. Улуғ зот, давлат арбоби бўлиши билан бирга халқнинг ҳурматиغا сазовор бўлган буюк алломасидир.

Ҳуқуқ

ХАЛҚИМИЗ ЭЪЗОЗЛАЙДИГАН ҚАДРИЯТЛАР

Алишер Навоий «Хамса»дан ўрин олган дostonларида, бундан ташқари «Тарихи мулуки Ажам», «Маҳбуб-ул-қудуб», «Вақфия» каби асарларида адолат, ҳақиқат, инсонпарварлик каби қарашларини баён этган.

Унинг фикрича одил шоҳ мамлакат тақдирини ҳақиқат қайғурар экан, маърифатни қўллаб-қувватлайди, юртни обод қилади, раиятнинг бахт-саодати учун курашади. У Афлотуннинг «Халқларнинг бахти учун уларнинг йўлбошчилари доно бўлишлари ёхуд донолар уларга йўлбошчи бўлишлари лозим», деган фикрини маъқуллаган ҳолда ўзи шундай ёзади: «Адолатли подшоҳ Ҳақ Таолонинг ҳалойиққа кўрсатган марҳаматидир, бундай шоҳ мамлакат учун тинчлик ва фаровонлик сабабчиси. Одил шоҳ қуёш билан баҳор ёмғиридек тупроқдан гуллар очади ва мамлакат халқи бошига олтин билан дур сочади. Камбағал ва бечора одамлар унинг яхши, мулойим муомаласидан роҳатда, золим амалдор ва миршаблар унинг сиёсати тигидан қўрқувда. Шаҳарда кўчалар посбони ҳам одил шоҳдир».

1470 йилда мамлакат пойтахтида кўтарилган халқ кўзғолонида Алишер Навоий халқ томонида бўлган. Хуросон халқини ҳўрлаган бек ва амалдорлар қаттиқ жазоланган. Хусайн Бойқаро ҳам уни эъзозлаб, шундан сўнг вазир этиб тайинлаган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Мустақиллик йилларида илгари сурилган ғояларнинг асосини инсон, унинг манфаатлари, яхши яшаш учун шарт-шароитлар яратишга қаратилган.

Ортбoшимиз II чақириқ Олий Мажлисининг тўққизинчи сессияси-

даги маърузаларида: «Барчамиз яхши биламизки, фуқаролик жамияти асосларини барпо этишнинг энг муҳим таркибий қисми маънавият ва маърифат соҳасида, шахсни мунтазам камол топтириш борасида узлуксиз иш олиб бoришдан иборат.

Бу ҳаётий ҳақиқат биз ҳаммиша амал қиладиган тамойилга жамият ривожининг асоси ва шартига айланмоғи ҳамда ўзида яхлит бир тизимни мужассам этмоғи лозим. Бу тизим марказида маънавият, ахлоқ-одоб, маърифат каби ўлмас қадриятлар турмоғи керак.

Мана шу уч буюк қадриятни халқимиз асрлар давомида ҳаммиша эъзозлаб келган. Бизнинг муқаддас динимиз ҳам, бутун Шарқ фалсафаси ҳам бу қадриятларни улўғлаган, уларни ижтимоий тараққиётнинг энг муҳим шартлари деб билган.

СўРАТДА: Собир Раҳимов туманидаги 178-«Аҳил» маҳалласи милиция таянч пункти профилактика инспектори, милиция старшиниси Илҳом Тиллаев, профилактика катта инспектори, милиция майори Собир Шарипов ва туман Ички ишлар бошқармасининг ҳуқуқ бoрликнинг олдини олиш бўлими бошлиғи, милиция катта лейтенанти Хайрулла Муҳаммадназаровлар нывабтадаги иш режалари ҳақида маслаҳатлашмоқдалар.

Феруза МУҲИДДИНОВА, Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчиси, юридик фанлари номзоди.

Она юртимиздаги тинчлик-осойишталикни сақлашда ички ишлар идораларида хизмат қиладиган, содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг олдини олишда сергаклик билан туну-кун иш олиб бoраётган милиция ходимларининг ҳиссаси катта.

— Бу борада вояга етмаганлар билан олиб бoриладиган юмушлар ўз самарасини бермоқда, — дейди Собир Раҳимов туман Ички ишлар бошқармасининг ҳуқуқбўзарликнинг олдини олиш бўлими бошлиғи, милиция катта лейтенанти Хайрулла Муҳаммадназаров. — Маҳаллаларда фаолият юритаётган милиция таянч пунктларида иш олиб бoраётган профилактика инспекторларининг ҳам ишлари салмоқли. Ниятимиз халқимиз тинчлигини ёмон кўзлардан сақлаш.

Сиз азизлар бирор бир жиноятга гувоҳ бўлиб қолсангиз, ушбу телефонлар орқали уларни содир этганлар тўғрисида маълумот берсангиз ҳуқуқбўзарликнинг қисқа фурсатда фoш этилишига ўзингизнинг ҳиссангизини кўшган бўлардингиз.



Хурматли юртдошлар. Сизларга шуни маълум қиламизки, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасида 136-64-97, 136-75-82 рақамли ишонч телефонлари кеча ва кундуз иш-лаб турибди.

ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИГА ҚЎНФИРОҚ ҚИЛИНГ

Сиз азизлар бирор бир жиноятга гувоҳ бўлиб қолсангиз, ушбу телефонлар орқали уларни содир этганлар тўғрисида маълумот берсангиз ҳуқуқбўзарликнинг қисқа фурсатда фoш этилишига ўзингизнинг ҳиссангизини кўшган бўлардингиз.



Ҳакимжон Солихов олган сурат.

хонга яна бир неча шиша ароқ олиб келиб қўйди. Меҳмонлар худди ҳеч нарса бўлиб ўтмагандек бемалол сўхбат қуриб ўтиришарди. Жения бўлса, ўзини жабдан тўшгандек қилиб кўрсатсада, аммо айни дамда Наилдан қандай қилиб бўлса-да, ўч олишни ўйлар эди. Чунки ҳозиргина бўлиб ўтган муштлашув оқибатида у қомати ўзидан анчагина савлатли Наилдан роса таъзирини еганди.

Барибир туриб-туриб Женининг жигибийрони оша борди. Мастлик ва жаҳлнинг кучи биланми у шу онда Наилни қандай қилиб бўлса-да жазолашни ўйлар эди. Охири бир қарорга келди шекилли, шoшмасдан пухта бир режа туза бошлади. «Яхшики, Наилнинг ухлаб қолишини кутганим маъқул. Акс ҳолда, унга барибир кучим етмаслиғи аниқ. Мабодо қолганлар ҳам тарқалишмасаси, у ҳолда эса, уларни ҳам гўмдон қилишимга тўғри келади». Жения ўз-ўзига шундай деди-да, чўнтагидаги пичоқнинг сопини бармоқлари билан сиқиб қўйди ва сигарета чекиш учун ташқарига чиқди.

«Ховлида бироз тоза ҳавода нафас олиб қайтган Жения ошхонада столнинг устига бошини қўйиб ухлаб ётган Владимирни кўриб ҳушёр тортиди. Сўнгра эса, қолганларнинг ҳам нимга билан машғул эканлиги билан қизикди. Меҳмонхонага кирса, у ерда Виктор диванда узала

тушиб, хуррак отиб ётарди.Хонадон эгаси Галина бўлса ўз ётоқхонасидаги тўшақда ширингина уйқуга кетиб улгурган эди.

Хуш ҳис қилди ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО Топган пулига дарвор спиртли ичимлик билан тамаки сотиб олиб, шу тўфайли кайфи чоғлиқда ҳаётнинг аччиқ-чучугидан маълум вақт фoриг бўлиб юришни хушлайдиган Жения бугун ҳам ушбу одатини қанда қилмади.

Демак, режани амалга ошириш учун қулай фурсат ниҳоят туғилган эди. Жения стол атрофида эрмак қилиб, ароқ ичиб ўтирган Наил томон ташланди. Қўйнидаги пичоқни зарб билан унинг қорнига санчди. Қўтилмаган ушбу ҳамла ва қорин қисмидаги кучли оғриққа чидай олмаган Наил ерга йиқилди. Шу онда пол усти кип-қизил қонга беланди. Наилнинг қўзлари қоронғулашиб ҳушсиз ётарди. Қўзлари қонга тўлган Жения бўлса, стол устидаги қосани олиб, Наилнинг бошига ура кетди. Кучли зарблардан қоса синиб кетган

эса, стул билан бутунлай ҳушсиз ётган жабрланувчини аямасдан ура бошлади. Кўп қон йўқотган ва ундан ташқари, бошига урилган зарблар оқибатида Наил жон таслим қилди. Осонгина ниятига эришганидан мағрурланган Жения энди ошхона томон йўл олди. У ерда Владимир столга бошини қўйганича мириқиб ором олаётган эди. У шу онда балки ширин тушлар кўраётган бўлса ажабмас. Аммо афсуски, унга ушбу тушларини уйғонган, бирова сўзлаб бериш насиб қилмаган экан. Хаттоки, у қўзларини бир баҳяга ҳам очолмай қолди. Ўтқир тилги совуқ қуролнинг азойи-баданига санчилашлари, кучли оғриқлар тўфайли беғуноҳ ушбу навқирон йигит ҳам бу ёруғ дунё билан ана шу тахлитда хайрлашди.

Қилган қабих ва дахшатли ишларидан қўлларни титраётган Жения шoшганча Владимирнинг чўнтақларини қовлай бошлади. Сўнгра эса, кўз олдида Наилнинг халигинга кўрсатган пуллари келди шекилли, югуриб бoриб, уларни ҳам дарҳол чўнтақларига тикди. Шу пайт бўлаётган дахшатли воқеалардан қўрқув ва ҳаяжонда дир-дир титраётган Галина унинг қаршида пайдо бўлиб қолди. Бечора қизнинг хатто бир сўз айтишга улгурмасиданок бикинига зарб билан пичоқ санчилди. Шу дамда ожизанинг кўз олди зимистонга айланиб, наҷор ерга қулади. Қотил бўлса бамисли кутурган бўри сингари бақирганича кип-қизил қонга бўялган

Сиз бугун нима дейсиз?

БАХТСИЗ ҲОДИСАМИ ЁКИ МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК?

Шухрат яхши ниятлар билан ҳайдовчилик курсида ўқий бошлади. Қўнларнинг бирида у Собир Раҳимов туманининг Урозбоев кўчасидан кетаётган ўртоғи Элдорнинг поччаси Йўлдош ақанининг машинасини кўриб қолди. Шухрат «Ваз-2121» русумли ушбу машинага яқинлашди ва Йўлдош ақани кутди. Сал ўтмай Йўлдош ақанининг ўзи ҳам келиб қолди.

— Ассалому алайкум! Йўлдош ақа, ишлар билан ҳорманг.

— Раҳмат Шухрат, кайфиятларинг яхшими? Ўқишлар жойидами? «Автошкола»да ўқияпсан деб эшитдим.

— Ҳа, яқинда тугаб қолади. «Права» қўлга тегайин Элдор билан сизга зўр «ҳақ» бор. Энди ақа, ўқишни амалиётда бoриб кўрайлик. Машинангизда «битта сайр» қилсан нима дейсиз?

Йўлдош ақа иккиланди. Чунки автомобиль ижарага олинган, бундан ташқари тормоз тизими яхши ишламасди. Лекин Шухрат Йўлдош ақани бир амаллаб кўндирди. Улар Урозбоев кўчасидан Зиёмов кўчасига қараб юришди. Чорраҳага етиб қолганда эса бир қария Шухрат бошқариб келаётган автомобилни уйга олиб келамиз, деганча шошилиб чиқиб кетишди. Бироздан сўнг яқин орадаги касалхонадан шифокорни бошлаб келишди. Шифокор тез-тез бeморни кўрди.

— Аҳвол чатоқ, касални шифохонага олиб бoрмасаларинг бўлмайди, — деди. Дониёр ота «касалхонага бoрмайман», деб оёқ тираб олди. Шифокор иложсиз қолди ва дори-дармон ёзиб берди. Йўлдош ақа ўзининг

лан қарияга ёрдамга шoшилдилар. Уни дарҳол машинага ўтқазиб касалхонага олиб бoришмоқчи бўлишди ва 2-Тошкент тиббиёт институтига қараб йўл олишди. Аммо Дониёр ота «Касалхонага бoрмайман, туппа-тузукман», деб туриб олди. Ёши анча ўтиб қолган бўлсада, қария спиртли ичимлик ичиб олган экан. Шифохонага бoрмасликнинг сабаби ҳам шунда эди. Ноилдош қолган икковлон қарияни уйига олиб бoришди. Аксига олиб уйда ҳам ҳеч ким йўқ экан. Дониёр отани уйга олиб кириб, қўшнисини Туроб ақани чақириб чиқашди.

— Машинада туртиб юбордик, касалхонага олиб бoрамиз, десак унамадилар, деди Йўлдош ақа. — Шунинг учун илтимос, сиз отага қараб туринг, биз зудлик билан шифокорни уйга олиб келамиз, деганча шошилиб чиқиб кетишди. Бироздан сўнг яқин орадаги касалхонадан шифокорни бошлаб келишди. Шифокор тез-тез бeморни кўрди.

— Аҳвол чатоқ, касални шифохонага олиб бoрмасаларинг бўлмайди, — деди.

Дониёр ота «касалхонага бoрмайман», деб оёқ тираб олди. Шифокор иложсиз қолди ва дори-дармон ёзиб берди.

Йўлдош ақа ўзининг

машинасида бoра олмаслигини бoнс, ўртоғи Акмални ишлаб топди. Лекин улар отага дори-дармон ва бошқа кераклик нарсаларни олиб келганларида кетикандилар. У вафот этган эди. Даҳшатга тушган Шухрат ва Йўлдош ақа у ердан қочиб кетишди.

«Қарс икки қўлдан чиқади». Ушбу мақол қанчалик ҳақиқат эканлигини юқорида баён қилинган воқеа ҳам кўрсатиб турибди. Агар Йўлдош ақа тормоз тизими носоз автомобилни Шухратга ҳайдаш учун бeрмаганда ёки Дониёр ота ёши 66 да бўла туриб спиртли ичимлик ичиб кўчага чиқмаганида бу бахтсиз воқеа юз бeрмасиди?.. Нима бўлган тақдирда ҳам эҳтиётсизлик, масъулиятсизлик натижасида ушбу ҳолат содир бўлди. Лекин тўсатдан юз бeрган бахтсиз ҳодисани биз шартли равишда айбдор деб атаётган Йўлдош ақа ва жабрланувчи Дониёр ота ҳам кутмаган эди. Ушбу ҳолат қонун доирасида қай тарзда ажрим қилинади, албатта буни вақт кўрсатади.

Ислом МАЊҚАМОВ, Тошкент шаҳар ИИББ Тергов бошқармаси йўл-транспорт ҳодисаларини тергов қилиш бўлими катта терговчиси, милиция майори. Сарвар СОБИРОВ, журналист

У ҳозирда таниши Толик топчи берган яшлагани иш билан машғул эди. Жения бирга ишлаётган шериклари ва ушбу уйнинг эгаси билан ўзаро шартнома тузиб олгандилар. Бунга асосан, хонадон соҳиби иш охирида улар учун келишилган пуллари бeриши ва бундан ташқари ҳар қуни уч маҳал оғвак билан таъминлаши керак эди. Бу ердаги шарт-шароитнинг қулайлиги ва энг муҳими, ҳеч вақт бирор қимса уларга халал бeрмаётганлиги «усталар» учун айни мўддао бўлди. Чунки улар тушликни ҳам, кечки оғвак пайтини ҳам албатта спиртли ичимликсиз ўтказмасдилар. Хатто баъзида қайларини олиб, ишлари ўлда-жўлда қилиб кетар эди. Бундай вақтинчалик аввалдан қўнчан Жения энди бирга ишлаётган ақа-ука Володинлар ва яна бир Наима исмли ёрдамчиларини ҳам ўргатиб қўйганди.

Қўнлардан бирида улар Чирчиқ шаҳрига меҳмондорчиликка бoрадиган бўлишди. Женининг «Оғайнилар, яхши ишлагандан кейин, яхши дам олиш ҳам керак...», деган гапидан сўнг, унга шериклари ҳам қаршиллик кўрсатишмасди. Кечки пайт иш вақти тугагач Жения, Толик ҳамда бирга ишлаётган яна уч нафар шериклари ҳамроҳлигида Чирчиқ шаҳри томон йўл олишди. Уларни Наил исмли Женининг эски қадрдони қарши олиб, Галина деган танишининг уйига меҳмонга тақлим қилди. Хонадон соҳибаси меҳмонларга илтифот кўрсатиб, бир зумда стол устини ноз-неъматларга тўлдириб ташлади. Дас-

турхон атрофида ширин сўхбат давом этарди. Айниқса чиройли шишалардаги ароқларнинг таъсири даврадагиларнинг кайфиятларини янада чоғ этар эди. Қўтилмаганда йўлакда кимнингдир товуши эшитилди. Мезбон эшикни очиб қараса қаршиида икки ўртоғи — Владимир билан Виктор жилмайиб турар эди. Галина дарҳол уларни ҳам ичкарига чорлади. Наил бўлса ҳар доимгидек «чаққонлик билан дарвор яна уч шиша ароқни стол устига қўйди. Энди йиғилганларнинг кайфияти янада чоғ бўлиб, қизгин сўхбат ва ўйин қулгу бошланди кетди. Бир пайт Наил маст бўлиб қолди шекилли, негадир чўнтағидан даста-даста пуллари чиқариб, даврадагиларга мактана бошлади. Унинг «Сизлар ҳам юрибсизлар-да, пул топаямиз деб, мана бундай пулларга эга бўлиш учун эса, акс керак бўлади...» деган сўзлари кўпчилигининг эңсасини қотирарди. Бундан айниқса Женининг жаҳли чиқди. У чўнонама асабийлашсада, Наилга аввалига ҳеч нарса демади. Аммо бир вақт икковли тортишиб қолишди. Уларнинг бу ҳаракати аввалига бошқалар парво қилишмасди. Бир пайт икковлон ҳеч кимга қўлоқ тутмай ёқалаша бошлади. Бир зумда тоза-озодагина ушбу хонадон остин-устун бўлиб кетди. Уфатларнинг айримлари ароққа шўнчалик тўйиб олганликларидан, кўз ўнгиларида давом этаётган муштлашувга ҳам эътибор бeришмасди.

Шарқ дурдоналари

03-03 Ўрганиб Домо бўлур...

РИВОЯТ. Эронда бир подшоҳ бўлиб, унинг шундай одади бор экан. У жанг қилганда, яхши ташкил этилган ва яхши таъминланган қора либосли алоҳида бир қисм сипоҳлари бўлар экан. Жанг қизган пайтда ўша сипоҳларига олдинга чиқиб, жанг қилишни буюрар экан. Шундай бўлибдики, ёғий томондан элик мингга яқин катта кўшин келиб, уруш хавфи туғилди.

Подшоҳ ўз дилига хуш келган хос одамлар билан мағрур ўтирарди. У жангни бошқа кунга кўчиришни ихтиёр қилибди. Қаламдон ва қаламни талаб қилаб, бир парча қоғозга: «Айтинг, қора либосли сипоҳлар қайтсинлар», деб ёзиб уни вазирага берибди. Вазир ўқиб чиқибди, лекин бу гап унга ёқмабди. У ўзининг саҳтиёни этганининг кўнжидан қаламдонни олиб, сийах сўзининг остига бир нуқта қўйиб, уни сипоҳдорон қилибди, сўнгра гардан сўзига битта нун қўшиб, уни «нагарданд» қилибди ва у ўз кўшинига юборибди. Улар мактубни ўқиб чиққач, олга юриб душман сипоҳларига шикаст етказибдилар. Шу боис учун «Сийар ул-мулк»да бир нуқта билан 50 минг қилич тор-мор қилиб ёзилган. Шундай қилиниб, деб қудратли душмандан ақл-заковати голиблик қилган экан.

БАЙТ:

**Бахшашганда сен
домо эзмалардан
нари қоч,**

**Ҳаммининг тили бурро,
ақлчи — оз одамда.**

- Мехнат — бойлик манбаи.
- Мехнат инсон ҳаёти ва маданияти асоси.
- Мехнат инсонда ижодий куч уйғотади.
- Инсон меҳнат билан камол топади.
- Меҳнатсиз омонатдор бойлик омонатдор.

КИССА: Бир ари кулфат ва машаққат билан бир донни ташиб кетаётган чумолини кўриб унга айтибди:

— Эй чумоли, нега бунча ранжу аламини ўз устинга юклардинг, нега бунча машаққатни ихтиёр этдинг? Кел, яхши менинг ейиш-ичишимга бир қара. Сен ҳам ундан баҳра ол. Мен хоҳлаган еримга қўнман, хоҳлаган овқатимни ейман. Сен бўлсанг, битта дон учун шунча машаққат чексан, — деди-да ўчиб бориб бир кассобнинг сотиб турган гўшти устига қўнди. Кассоб пичоқ билан бир урган эди, у икки нимта бўлиб ерга тушди. Чумоли дарров келиб унинг оёғидан тишлаб уясига олиб кета бошлади. Шунда ари чумолидан:

— Мени қаерга олиб кетатирсан? — деб сўраган эди, чумоли:

— Меҳнатсиз текин томоқликнинг балосига мубтало бўлганнинг холи мана шундай кечади, охири бориб ўзи ўзига ем бўлади, — деб жавоб берди.

БАЙТ:

**Есам арпа нонин меҳнат
билан,**

**Шириндир
бировларнинг оқ
нонидан.**

Ўзбекистон ва жаҳон

ЎЗБЕКИСТОН ВА БМТ: ҲАМКОРЛИКНИНГ 12 ЙИЛЛИГИ

1992 йил 2 март куни мустақил Ўзбекистоннинг миллий байроғи БМТ бош қароргоҳида тантанали равишда кўтарилди. Ўша кундан бошлаб мамлакатимиз халқро ҳамжамиятининг тенгҳуқуқли аъсосига айланди ва бугунги кунда 191 давлатни бирлаштириб турган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти фаолиятининг фаол иштирокчисига айланди.

Мазкур нуфузли халқро ташкилот ярим асрдан кўпроқ вақт муқаддам инсоният қаршида турган кўплаб муаммоларга ечим топишда жаҳон мамлакатлари сазй-ҳаракатларини бирлаштириш мақсадига ташкил этилган. БМТ ҳамда унинг тизимига кирувчи кўплаб бўлинмалар уруш ва можароларнинг олдини олиш, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, касалликларга қарши курашиш ва камбағаллик даражасини камайтириш йўлида самарали ишлар олиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси бўлган кундан бери турли долзарб масалалар, жумладан халқро террорчилик, нарқобизнес ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш

ҳамда минтақавий хавфсизлик борасида БМТ билан яқин ҳамкорлик олиб бораётганлиги туфайли халқро доирада катта нуфузга эришди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов БМТнинг юксак минбаридан туриб жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланган бир қатор ташаббусларни илгари сурди. Улар орасида Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудуд, деб эълон қилиш таклифи, Афғонистондаги можарога ечим топиш йўлида "6+2" гуруҳини тузиш, террорчиликка қарши кураш халқро марказини ташкил этиш бўйича ташаббусларни алоҳида қайд этиш мумкин. Ўзбекистон

раҳбари таъсири минтақамиз ташқарисиди ҳам сезила бошлаган Оролбўйи ҳудудларидаги экологик фалокатга бир неча бор жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини қаратди.

Ўз навбатида 1993 йил Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ўзбекистонда ваколатхона очиб, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, хусусийлаштириш ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, маданият ва фан соҳаларидаги халқро дастурлар бўйича ишларни мувофиқлаштириб келаяпти. Ўзбекистонда БМТ тараққиёт дастури доирасида кўплаб лойиҳалар амалга оширилди. Мазкур лойиҳалар иқтисодий ислохотларни қўллаб-қувватлаш ҳамда комму-

никация ва транзит юк ташиш соҳаларидаги қатор муаммоларни ечишга ёрдам берди. Айни пайтда демократик институтларни ривожлантириш, соғлиқни сақлаш, маориф, телекоммуникация ва ахборот технологияларни тақомиллаштириш соҳаларида ҳам самарали ҳамкорлик йўли қўйилган. Тошкентда аккредитациядан ўтган БМТ бўлинмалари барқарор тараққиёт соҳасидаги муҳим масалаларга ечим топишда республика ҳукумати билан яқин ҳамкорликда иш олиб боришмоқда.

Ўзбекистон Республикаси БМТ Бош Ассамблеясидаги бугунги куннинг долзарб муаммоларига бағишланган мунозараларда иштирок этиб, нафақат республика мизининг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, балки глобал ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашга қарилган катта аҳамиятга эга аниқ ташаббус ва таклифлар киритмоқда. Тинчлик ва барқарорлик - сайёраимизнинг келажagini қуриш мумкин бўлган асосий пойдевор саналади.

— АКСЕЛС 1974 йилда ташкил топган халқро нотижорат ташкилот бўлиб, АҚШ билан Европа ва Евроосий мамлакатлари ўртасида маориф, илмий тадқиқотлар ва маданий алмашув борасидаги ҳамкорликни ривожига кўмаклашиш мақсадини кўзлайди. АКСЕЛС дунёнинг 15 мамлакатига 47 та ваколатхонага эга. Ўзбекистонда бизнинг ваколатхоналаримиз Тошкент, Нукус, Наманган, Самарқанд ва Бухорода фаолият олиб бормоқда. Мазкур шарҳларда ахборот марказлари очилган бўлиб, уларда мухтаassisларимиз АҚШда ўқишни давом эттиришни истаган барча мактаб ўқувчилари ва талабаларга зарур маълумотлар ва маслаҳатлар бериб борадилар. У ёки бу университетни танлаш, кириш имтиҳонларига тайёргарлик қилиш, стипендия олиш учун ариза бериш ва бошқа масалалар шулар жумласидандир.

Ҳар йили биз турли халқро таълим дастурлари доирасида мактаб ўқувчилари, талабалар, аспирантлар ва илмий ходимлар учун танловлар ўтказамиз. Мазкур танлов имтиҳонларидан муваффақиятли ўтган номзодлар Америка олий ўқув юртрларида тахсил олиш имконига эга бўладилар. Ташкилотнинг Ўзбекистондаги фаолияти давомида 600 дан зиёд мактаб ўқувчилари ва талабалар турли мухтаassisликлар бўйича АҚШда таълим олиб қайтиб, бугунги кунда давлат муассасалари ва ноҳукумат ташкилотларида самарали фаолият кўрсатмоқда. АКСЕЛС, шунингдек, тур-

ли олий ўқув юртрлари ва ўқув марказларида инглиз тилини чуқур ўргатиш мақсадига америкалик ўқитувчиларнинг Ўзбекистонга мунтазам равишдаги ташрифларини уюштириб

анъанага айланиб бормоқда. Ўтган йили Угам-Чотқол миллий қўриқхонасини тозалаш бўйича икки кунлик тадбир ўтказдик, унинг дастуридан маърифий экологик семинар ҳам ўрин олган эди.

АКСЕЛС томонидан Тошкентдаги меҳрибонлик уйларида кўмак бериб келинапти. Хусусан, янгида пойтахтдаги 30-меҳрибонлик уйига америкалик талабалар тўплаган инсонпарварлик ёрдами топширилди.

Муҳими шундаки, Америка олий ўқув юртрларида таълим олиб келган ўзбекистонлик ёшлар бундай тадбирларнинг кўнгилли иштирокчиларига айланмоқда. Улар, шунингдек, ушбу жарағонга тенгқурлари ва дўстларини ҳам фаол жалб қилишяпти. Ўзбекистонда Меҳр ва муруват ўзини, деб

МАОРИФНИ ҚЎЛЛАБ- ҚУВВАТЛАШ — ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Американинг Таълим ва тил масалалари бўйича ҳамкорлик кенгаши — АКСЕЛС Ўзбекистоннинг азалий хорижий ҳамкорларидан бири бўлиб, республикамизда 1992 йилдан буён самарали фаолият олиб бормоқда. Ташкилотнинг ўтган вақт давомида амалга оширган дастурлари ва икки томонлама ҳамкорлик истикболлари тўғрисида АКСЕЛСнинг Мактаб дастури бўйича бўлинма директори Натан Труит "Жаҳон" АА мухбири билан бўлган мулоқотда сўзлаб берди.

Шу аснода ташкилотимиз икки мамлакатнинг маориф соҳасидаги ҳамкорлиги ривож ва ўзаро маданий алмашувга ҳисса қўшиб келмоқда. Ишончимиз комилки, биз бир-биримиздан кўп фойдала яхдатларни ўрганиш ва ўзаро таъбир аламушимиз мумкин.

— Ташкилотингиз хайрия фаолияти билан ҳам шугулланамиз?

— Хайрия тадбирларини ўтказиш фаолиятимизнинг ажралмас бўлаги ҳисобланади. Биз гиванд модларнинг зарари хусусида доимий тарзда семинарлар ташкил қиламиз. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва аҳолининг экологик муаммолардан воқиф этишга йўналтирилган анжуманларни ўтказиш ҳам яхши

эълон қилинган жорий йилда АКСЕЛС ўзининг хайрия тадбирларини янада фаоллаштириш ниятида.

— Ўзбек ёшларининг умумтаълим тайёргарлиги даражасини қандай баҳолайсиз?

— Мамлакатингиз аҳолисининг таълим даражаси оқори эканлигини таъкидлашни истардим. Ўзбекистон ёшлари билимга чанқоқлиги, интеллектуал салоҳиятини кенгайтиришга бўлган интилиши билан ажралиб туради. Улар маорифнинг қадрига етишди, ақсарияти инглиз тилини мукамал эгаллаган. Бунда АКСЕЛСнинг Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган ходимларининг ҳам муносиб улуши бор, деган умиддам.

ТЕРРОРЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШДА ҲАМКОРЛИК

Хорижий матбуот АҚШ мудофаа вазири Д.Рамсфелднинг Ўзбекистонга ташрифига оид

АҚШ Мудофаа вазири Ахборот хизмати тарқатган хабарда АҚШ, шак-шубҳасиз, Ўзбекистон ва шу мамлакат халқи билан дўстликни юқори баҳолаши ҳамда террорчиликка қарши курашда АҚШ сазй-ҳаракатларини дадил ва қатъий қўллаб-қувватлагани учун миннатдор экани таъкидланади. Хабарда, шунингдек, Д.Рамсфелд баёнотидан қуйидаги иқтибос келтирилади: «АҚШ ва Ўзбекистон стратегик шериклик декларацияси доирасида ҳарбий соҳада мустаҳкам алоқаларга эга ҳамда икки томонлама сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликни кучайтиришга интилоқда. Гуллаб - яшнаган ва муваффақиятли Ўзбекистон минтақда барқарорлик гаровидир».

Ушбу фикрни давом эттирар экан, «Рейтер» агентлиги мудофаа вазирининг Америка Қўшма Штатларида терроризмга қарши курашда ишончли ёрдам кўрсатаётган Ўзбекистон билан ўзаро алоқалар собитқадамлиги ва «ҳар кун мустаҳкамланиб бораётганлиги» ҳақидаги сўзларига алоҳида уруғ беради. Покистоннинг «Дейли Ньюс» газетаси икки мамлакатнинг доимий муносабатларига ишора қилиб, «Ўзбекистонлик ҳарбийлар билан бевосита ишлаётган АҚШ вакиллари ушбу дўстона, конструктив ва ўзаро манфаатли робиталарни ҳис қилишмоқда», — деб ёзди.

Афғонистон масаласини тилга олар экан, «Интерфакс» агентлиги ўз хабарига Ўзбекистон ҳукуматининг ёрдами ва қўллаб-қувватлаши туфайли АҚШ етакчилигидаги коалиция ушбу мамлакатда тинчликни ўрнаш ҳамда терроризмни ағдариб бўйича ҳарбий амалиётни муваффақиятли ўтказишга эришганлиги ҳақидаги Пентагон раҳбарининг сўзларини келтиради.

Сўнги йилларда Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг халқро алоқалари тобора фаоллашиб, ривож топмоқда. Бунга ЎзТРКнинг Япониядаги йирик телерадиокомпаниялардан бири — «ННК» билан ҳамкорлигини мисол сифатида келтириш мумкин.

САМАРАЛИ АЛОҚАЛАР

Кун кеча АҚШ мудофаа вазири Д.Рамсфелднинг мамлакатимизга амалга оширган ташрифи ҳақида Ўзбекистонлик тележурналистлар тайёрлаган видеолавҳа ушбу ҳамкорлик доирасида «ННК» янгиликлар дастурида Япония жамоатчилигига намойиш этилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ва АҚШ мудофаа вазири Д.Рамсфелд ўртасида ўтган учрашув, жаноб Д.Рамсфелд иштирокидидаги матбуот анжумани ва ташриф якунлари тўғрисида ахборот берилди.

Видеолавҳада таъкидланишича, ушбу ташриф Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги сиёсат ва мудофаа соҳаларидаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга имконият яратди.

«ННК» телерадиокомпаниясининг Халқро янгиликлар бўлими мухбири М.Кобаяши икки томонлама муносабатлар аҳамияти тўғрисида тўхталар экан, бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ўзгаришлар, хусусан, кенг қўламли ислохотлар ҳақида япон жамоатчилиги етарли маълумотга эга эмаслигини қайд этди ва бу бордада ЎзТВ билан ўзаро ҳамкорликнинг самарали бўлишига умид билдирди.

«Жаҳон» АА материаллари асосида тайёрланди.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

Баҳор байрамлари арафасида

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки

«Гулбаҳор» омонат турини таклиф этади

Йиллик даромад 50%

- пуллар 2004 йилнинг 24 февралидан — 5 мартгача қабул қилинади
- сақлаш муддати - 45 кун
- бадалнинг минимал суммаси — 50 000 сўм



МИЛЛИЙ БАНК — ПУЛЛАРИНГИЗ САҚЛАНИШИ ВА ДАРОМАДЛИЛИГИГА КАФОЛАТДИР!

Кўшимча маълумотларни 135-42-83, 134-14-14 телефон рақамлари орқали
ёки Миллий банкнинг исталган бўлим/филиалидан олишингиз мумкин
www.nbu.com

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва
якшанбадан ташқари
ҳар куни соат 9.00
дан 17.30 гача қабул
қилинади.

Маълумотлар учун
телефон:
133-28-95.

Факс: (3712)

133-29-09.

Манзилимиз:
Матбуотчилар кўчаси,
32-уй, 2-қават,
204-хона.

«Фарход дехкон бозори»
ОАЖ 2003 йил А.Икромов
туман ДСИда рўйхатдан
ўтган «Меркурий-115Ф».
«Уз» русумли, завод рақами
344803 бўлган назорат-кас-
са машинаси 2004 йил 9
февралда йўқолганлиги
ҳақида маълум қилади.

Собир Раҳимов туманидаги
академик лицей томонидан
Улуғбек Убайдуллаевич Атабо-
евга ушбу лицейни тугатганли-
ги тўғрисида берилган
№069860 ОР'З рақамли атте-
стат йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ДИҚҚАТ, АУКЦИОН! ХУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Давлат Мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси
хузуридаги «ROYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси
2004 йилнинг 2.5.9.12.16.19.23.26.30 март,
2.6.9.13.16.20.23.27.30 апрель кунлари
аукцион савдоларини ўлкадаги
Савдоларга қўйидаги автотранспорт воситалари ва турар
жой биноси қўйилади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига қараш-
ли Солиқ коллежининг 1984 йилда ишлаб чиқарилган давлат
белгиси 10А1 473 бўлган «ГАЗ-24» русумли автотранспорт воси-
таси. Бошлангич нархи 343 843 сўм.

«Тошкент инвестиция шўъба» унитар корхонасининг 1988 йил-
да ишлаб чиқарилган давлат белгиси 10А1 382 бўлган «КАВЗ-
3270» русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 1 230
000 сўм. Шунингдек 1982 йилда ишлаб чиқарилган, давлат бел-
гиси 10А1 385 бўлган «ГАЗ-53А» русумли автотранспорт восита-
си. Бошлангич нархи 874 000 сўм.

Тошкент шаҳар тиббий меҳнат экспертиза хизматининг 1990
йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 03-29 ТНГ бўлган «ВАЗ-

2121» русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 541
000 сўм.

«Чимён» фирмасининг 1993 йилда ишлаб чиқарилган, дав-
лат белгиси 10АС 771 бўлган «ГАЗ 31029» русумли автотранс-
порт воситаси. Бошлангич нархи 750 000 сўм; 1991 йилда иш-
лаб чиқарилган, давлат белгиси 10 АС 419 бўлган «УАЗ-3303»
русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 600 000
сўм; 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 10АС 839
бўлган «Ауди-200» русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич
нархи 1 380 000 сўм.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирли-
ги қишлоқ ҳўжалик экинлари навларини синаш давлат комис-
сиясининг 1980 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АН
339 бўлган ГАЗ-24 русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич
нархи 500 000 сўм.

Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Назруллаев кўчаси, 40 «Б»-
уйда жойлашган «Тошкент халқаро аэропорти» ДУКга қарашли
қурилиши тугалланмаган 86 хонадонли турар-жой биноси. Бош-
лангич нархи 427 600 169 сўм.

1999 йилда ишлаб чиқарилган, техник соз, давлат рақами
10 Р 16-32 бўлган «НИССАН МАКСИМА» (автомат қоробка). Бош-
лангич нархи 18 000 000 сўм.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш

савдодан бир соат аввал тўхтатилади.

Савдода қатнашиш истагани билдирган талабдорлар савдо-
даги объектнинг бошлангич нархидан 10 фоизи миқдоридagi
закалат пулини «ROYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси-
нинг «Узўйқойжамгармабан»нинг Тошкент шаҳар бўлимидаги
ФА 00425, СТИР 204399967, 2010000804243151001 ҳисоб ра-
қамига тўлайди.

Савдолар соат 11.00 да бошланади.
Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр
кўчаси, 16 «А» уйда ўтказилади.

Телефонлар: 133-23-40; 133-02-49.
«ROYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси газетанинг
2004 йил 4 февралдаги 24-сонидa берилган «Диққат аукцион!»
сарлавҳали эълонда:

Банкрот деб эълон қилинган Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани,
Строительная кўчаси, 1-уйда жойлашган «1-SON TOSHKENT UY-
JOY QURILISH KOMBINATI» ошқ турдаги акционерлик жамияти-
нинг бино ва иншоотлари (ХРУМ ва СУ-26), бошлангич нархи 32
000 000 сўм;

Банкрот деб эълон қилинган Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани-
да жойлашган «1-SON TOSHKENT UY-JOY QURILISH KOMBINATI»
акционерлик жамиятининг мол-мулклари, бошлангич нархи
1 230 151 000 сўм савдодан олинганлигини маълум қилади.



ХУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ва
«Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази» Сизларни биржа
савдоларига таклиф этади.

БИРЖА САВДОЛАРИГА ҚЎЙИДАГИ ШАҲРИМИЗ БОЗОРЛАРИДАН ЖОЙЛАР ҚЎЙИЛГАН:

Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Паркент кўчаси, 74-уйда жойлашган,
«Parkent ixtisoslashgan bozori» ОАЖ ҳудудида янги қуриладиган турғун
савдо дўконларини қуриш ҳуқуқи:

- майдони 9 квадрат метр (3x3) бўлган ноозиқ-овқат буюмлари дўко-
ни қуриш ҳуқуқи,
бошлангич баҳоси — 2 000 000 сўм;
- майдони 36 квадрат метр (6x6) бўлган қурилиш моллари дўкони
қуриш ҳуқуқи,

бошлангич баҳоси — 3 500 000 сўм.

Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Янги Сергели, 3-уйда
жойлашган, «Автомакон» СЯМ ШХЖ (авто эҳтиёт қис-
лар бозори) ҳудудида жойлашган, ҳар бирининг майдони
18 квадрат метр бўлган дўконлар,

ҳар бир дўконнинг бошлангич баҳоси — 3000000 сўм.

Биржа савдоларининг савдо сессиялари ҳафтанинг ҳар иш кунида
соат 11.00 дан 12 гача ҳамда соат 16.00 дан 17.00 гача.

«Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»да бўлиб ўтади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй.

Телефон: 132-25-51. Факс: 133-20-74.

www.tshmbm.uz; E-mail: birja@mail.tps.uz ва info@tshmbm.uz

Спорт

ЕНГИЛ АТЛЕТИКАЧИЛАРИМИЗ — ХИТОЙДА

Хитойнинг Тяньцзинь шаҳрида ёпиқ залда енгил атлетика бўйича халқаро мусобақа бўлиб ўтди.

Турнирда Япония, Хитой ва Ўзбекистоннинг енгил атлетика усталари иштирок этди. Мамлакатимиз спортчилари турнирда олтин ва бронза нишонларини қўлга киритди. Жумладан Эркин Исоқов 800 метрга югуриш баҳсида барча рақибларини доғда қолдириб, хурмат шохусиданинг энг юқори поғонасидан ўрин олди. Аёллар ўртасида эса энг нуфузли масофа — 200 метрга югурувчилар ўртасида Ирина Воробьева 24,91 сония натижа билан учинчи бўлди.

МАЙДОНДА ЁШ ГАНДБОЛЧИЛАР

Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси пойтахт гандбол федерацияси билан ҳамкорликда Универсиада дастури бўйича аёллар ва эркеклар ўртасида шаҳар биринчилиги мусобақаларини ташкил этди.

Ўзбекистон Миллий университети спорт залида ўтказилаётган мусобақаларда шахримиздаги олий ўқув юрталарининг ўн етти жамоаси иштирок этмоқда. Жамоалар сафидан ўрин олган 250 га яқин ёш қўл тўпи усталари чиройли ва кескин ўйин намойиш этишга интилоқдалар.

Шундай қилиб, охириги учрашувлар олдидан голибликка қўйидаги жамоалар даъвогарлик қилмоқда. Қизлар ўртасида Тошкент Давлат енгил саноят институти гандболчилари шохсупанинг энг юқори поғонасидан ўрин олиб турган бўлса, кейинги ўринларни Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти жамоалари банд этиб туришибди.

Игитлар ўртасида ҳам Тошкент Давлат енгил саноят институти гандболчилари олдига бормоқда. Голибликка даъвогарлар сафида Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент Ахборот технологиялари университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти қўл тўпи усталари бор.

Голибларга шаҳар жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси, шаҳар гандбол федерацияси ҳамда ҳомий ташкилотларнинг қўллаб-қувватлаши билан топширилади.

Игитлар ва қизлар ўртасида голиб чиққан жамоалар эса Универсиада мусобақаларининг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Даврон НУРМАТОВ

«01»

«Отанг бозор, онанг бозор», дейди доно халқимиз. Одий кўкатлардан тортиб, то гўшларнинг турли хилни шахримизда жойлашган барча савдо марказлари ва бозорларидан топиш мумкин. «Олой», «Эски Жўва», «Чилонзор буюм бозори», «Паркент», «Кўйлик деҳқон бозори», «Кўйлик буюм бозори» каби бозорлар шахримизда энг йирик бозорлардан саналади. Мамлакатимизга ташир буюраётган хорижлик меҳмонлар ҳам албатта, дастлаб бозорларни бир айлаиб чиқадилар. Лекин бозорнинг катта-кичиги бўлмайди. Ҳар бир бозорда арзимаган нарсадан ваҳима ва саросима чиқиши мумкин. Айниқса, ёнгин содир бўлса.

БОЗОРЛАРНИ ЁНГИНЛАРДАН АСРАЙЛИК

2003 йили «Авиасозлар» бозори ҳудудида жойлашган бинонинг 10 квадрат метр майдонида электр симларининг қисқа туташуви натижасида ёнгин содир бўлган. Акмал Икромов туманидаги «Карвон-бозор»да жойлашган 2 ва 4-кйим-кечак савдо дўконларининг ҳам 5 февраль кун 8 квадрат метр майдонида электр симларининг қисқа туташуви оқибатида ёнгин чиққан. 6 июнда ушбу бозорда содир бўлган ёнгин 40 квадрат метр майдонда жойлашган 3 та озиқ-овқат расталарини бир неча дақиқаларда қўлга айлантган.

Акмал Икромов туман ИИБ ёнгин хавфсизлиги бўлими давлат ёнгин назорати хизмати ходимлари бозорларда бундай ёнгинларнинг олдини олиш ва расталар хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳозирда бир қатор ишларни амалга оширмоқдалар. Шунингдек, Тошкент шаҳар ИИББ Ёнгин хавфсизлиги бошқармаси томонидан туманларда жойлашган барча кйим-кечак, озиқ-овқат, деҳқон, авто ва бошқа бозорларнинг ёнгинга қарши ҳолатлари мониторинг усули билан бир нечта пунктлар асосида текширилиб, аниқланган камчиликлар бартараф этилиши назоратга олинмоқда. Асосан бунда вақтинча тортилган электр симларининг ёнгинга олиб келиши, тез аланга олувчи матолар билан савдо қилиш

шоҳобчалари олдида сигарета чекиш, бозор ҳудудида очик олов ишлатишга йўл қўймаслик, темир контейнерлар ораси очик бўлишини талаб этиш, ишлаётган ёритиш ва кучланиш электр симларининг сақлаш қобиги лаборатория усули билан текширилиб, носоз жойлари таъмирланишини назоратга олиш, ер ости сув қудуқларининг тўсиб қўйилмаслиги таъминланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, бозорга кириш йўллари ва йўлларнинг шахсий автомобиллар, автобуслар, юк автомобиллари билан тўсиб қўйилиши ва фавқулодда вазият юз бериб қолса махсус автоуловларнинг керакли жойга вақтида этиб боришига имкон яратишга аҳамият берилмоқда. Бундай текширишлардан кўзда тутилган ягона мақсад — ёнгин чиқмаслиги, унинг олдини олиш ва тезлик билан бартараф этишдир. Зеро, бу борадаги барча саъй-ҳаракатлар аҳоли гавжум бўлган жойлардан бири — бозорларда расталарнинг зич равишда жойлашганлиги сабабли, ёнгин содир бўлса ваҳимага тушган кишилар бир-бирларини босиб ўтишлари ёки бошқа кўнгилсиз оқибатлардан сақлаб қолишга қаратилган.

Муслима РАХИМОВА,
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ
муҳандиси, ички
хизмат лейтенанти.

ҲИМА? ҚАЧОН?

КАЕРДА?

2-7 март

Бугун:

• Ўзбек Миллий академик драма театрида У.Азим асари «Ўтган замон хангомалари» спектакли соат 14.00, 18.00 да намойиш қилинади.

• Муқимий номидаги Ўзбек давлат музыка театрида «Ўлдинг, азиз бўлдинг» спектакли соат 18.00 да бошланади.

• Ўзбекистон Ёшлари театрида «Қабоҳат тузоғи — XXI» спектакли соат 14.00 да бошланади.

• Йўлдош Охунбоев номидаги республика ёш томошабинлар театрида «Наврўз ва бойчечак» спектакли соат 11.00 да бошланади.

3 мартда:

• «Зарафшон» концерт залида 3-4 март кунлари хушовоз хонанда Умида Мирҳамидованинг «Оқ атиргуллар» деб номланган концерт дастури соат 19.00 да намойиш этилади.

• Абдор Ҳидоят номидаги Ўзбек давлат драма театрида «Ёрим кетаман дейди» спектакли соат 12.00 да бошланади.

4 мартда:

• Алишер Навоий номидаги Ўзбек Давлат академик Катта театрида «Ал Фаргоний» операси соат 18.00 да намойиш этилади.

• Ўзбек Миллий академик драма театрида А.Орипов асари «Сохибкирон» спектакли соат 11.00, 15.00 да бошланади.

5 мартда:

• Ўзбек Давлат циркида 5-6 март кунлари Хотин-қизлар байрамига бағишланган «Сен азиз ва муқаддасан аёл» номли катта шоу концерт дастури соат 19.00 да намойиш этилади.

• «Туркистон» саройида 5-6 март кунлари хушовоз хонанда Дилшод Раҳмоновнинг «Йиғлама қиз» номли концерт дастури соат 19.00 да бошланади.

6 мартда:

• Муқимий номидаги Ўзбек давлат музыка театрида «Хотинимнинг уч шайдоси» спектакли соат 17.00 да намойиш қилинади.

• Абдор Ҳидоят номидаги Ўзбек давлат драма театрида «Урик гуллаганда» спектакли соат 12.00 да бошланади.

7 мартда:

«Ўзқўргазмасавдо» залида 7-8 март кунлари ёш эстрада хонандалари ижросида байрам концерти соат 19 да намойиш этилади.

• Ўзбек Давлат циркида 7-8 март кунлари катта байрам концерти соат 14.00 ва 18.00 да бошланади.

• «Туркистон» саройида 7-8 март кунлари ёш хонанда Дилноза Исмиёминованинг концерт дастури соат 19.00 да намойиш қилинади.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

Маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро алоқалар бўйича пулли хизматни тақдим этувчи телефонлардан фойдаланувчи «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиали абонентлари диққатига

(Таксофон алоқа хизмати)
Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 ноябрдаги «Телекоммуникация соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш ҳақида»ги 458-сонли қарориди «Маҳаллий тармоқ операторлари томонидан ажратилган телефон рақамлари орқали телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи жисмоний ва юридик шахслар ўз фаолиятини амалдаги қонуний тартибларга кўра, телекоммуникация оператори билан

ўзаро тузилган шартномалар асосида амалга оширадилар», деб қайд этилган.

Шаҳар телефон тармоқлари тақдим этган телефон рақамларидан «Таксофон хизмати»ни кўрсатаётган жисмоний ва юридик шахслар, қонунга мувофиқ, расмийлаштирмасдан алоқа корхонаси билан тузилган шартнома мажбуриятларини ва маҳаллий телефон алоқасидан фойдаланиш қоидаларини ва «Истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимояси ҳақида»ги қонун ва Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги кўрсатилмаётган хизматлар учун касса чекини тақдим этиш ҳақида 53 сонли қарори талабини бажармаган ҳисобланадилар.

Демополизация ва рақобатни ри-

вожлантириш бўйича Давлат кўмитаси истеъмолчига касса чексиз хизмат кўрсатганлиги учун энг кам миқдордаги иш ҳақининг 100 баробарида жарима солиш ҳуқуқига эга.

«Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиали инспекция бўлими ходимлари ва бошқа тегишли органлар томонидан қоидаларга хилоф равишда кўрсатилмаётган хизматлар ҳақида далолатнома тузилади ва телефон ўчирилади ҳамда узиб қўйилади, бу телефон рақамларини ўрнатиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

«Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиали маъмурияти ўз абонентларидан амалдаги меъёрий ҳужжатлар ва қонун талабларига амал қилишларини сўрайди.



Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳоқимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
факс — 133-28-95, 133-11-39;
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма тибқ, офсет
усулида бошланади.

5252 нусxada босилди. Қогоғ бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чикади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масаллари бўйича турар жойлардаги почта
буликларига ёки «Тошкент почтасига» — 133-74-05 телефонига
мувожаат қилишниги мумкин.

Газета «Тошкент оқишми»нинг компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси басмахоначи.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.